

ЗАХИДОВА Ширин Шерзатовна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети «Макроэкономика»
кафедраси докторанти, иқтисод фанлари
номзоди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

УДК 338.465.4

ЗАХИДОВА Ш.Ш. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

Мақолада хорижий мамлакатларнинг таълим тизимини молиялаштиришдаги ўзига хос йўналишлари кўриб чиқилган. Иқтисодий ривожланган бешта давлат - Норвегия, АҚШ, Янги Зеландия, Япония ва Буюк Британиянинг илғор тажрибалари ўрганилган.

Таянч иборалар: таълим тизими, давлат бюджети, молиялаштириш, модернизация, инвестиция.

ЗАХИДОВА Ш.Ш. ГОСУДАРСТВЕННОЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ: ОПЫТ ЭКОНОМИЧЕСКИ РАЗВИТЫХ СТРАН

В статье рассматриваются подходы зарубежных стран в вопросах участия в финансировании системы образования. Изучается опыт пяти экономически развитых государств – Норвегия, США, Новой Зеландии, Японии и Великобритании.

Ключевые слова: система образования, государственный бюджет, финансирования, модернизация, инвестиция.

ZAHIDOVA SH.SH. PUBLIC FUNDING OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM: THE EXPERIENCE OF ECONOMICALLY DEVELOPED COUNTRIES

This article examines the approaches of different countries for the issues of participation in the financing of the education system. The experience of five economically developed countries - Norway, USA, New Zealand, Japan and Great Britain is studied.

Keywords: education system, state budget, financing, modernization, investment.

Давлатнинг таълим соҳасидаги иштирокининг сабаблари. Анъанага биноан иқтисодиёт назарияси бу сабабларни самарадорлик ва адолат каби тушунчалардан келиб чиққан ҳолда тушунтирган.

Биринчи сабаби шуки, таълим тизимини молиялаштириш жамиятни ҳар томонлама баркамол ривожлантириш ҳисобланиб, шу билан бирга бозор иқтисодиёти бу молиялаштиришни бир ўзи амалга ошира олмайди. Инсон капитали назарияси жамиятнинг ресурсларидан фойдаланишни ўзгартиришни, инсон омилининг ўсиб бораётган ролини акс этган ҳолда таълим харажатларининг табиати ҳақидаги тушунчани тубдан ўзгартирди¹.

Улар истеъмол харажатлари, таълим жараёни давомида жамият ресурсларининг бир марталик, сарфланмаган сарф-харажатлари каби эмас, балки инсон, жамият ва жамиятнинг келажакдаги даромадини оширишга ёрдам берадиган ва инсон капитали инвестицияларининг йўналишларидан бири сифатида қаралиб, адолатга етишиш, иш жойлари ва барқарор даромадни танлашда «тенг ҳуқуқли имкониятлар» барпо қилиш учун ёрдам беради.

Илгари таълим истеъмол қилиш жараёнида ўз даромадларини қайта тақсимлаш асосида қилинган давлат ва уй хўжаликлари томонидан ажратилган товарлар ва ресурсларни истеъмол қилган тармоқ сифатида тавсифланган. Янги шароитларда эса унинг маҳсулотига қизиққан манфаатдор томонлар тарафидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва инвестиция қилиш соҳаси сифатида тавсифланадиган бўлди, шунингдек, даромадларни (уй хўжаликлари учун) шакллантириш, даромадларни ошириш (бизнес учун), жамиятнинг тезкор ижтимоий муаммоларини (давлат учун) ва ўсишни жадаллаштирувчи субъект деб қаралди.

Иккинчи сабаб эса таълим соҳасидаги хусусий инвестицияларнинг улушини аниқлаш мураккаблиги ва механизмини ишлаб чиқишдир. Хориж тадқиқотчилари томонидан олиб борилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, одатда инсон капитали рентабеллиги - моддий рентабелликдан кўра юқори.

Ҳосил бўлган тамойилга мувофиқ кўп мамлакатларда олий таълимга ҳукуматнинг ҳиссаси жуда

катта ва бинобарин самарасиз деган фикрлар илгари сурилди. Хусусий инвесторлар олий таълимнинг инсон капиталига хусусий сармоя кириши билан ўзгартиришни истайдилар ва буни уддалайдилар ҳам. Сабаби эса бундай фаолиятдан фойда ва даромад сезиларли даражада бўлишидадир.

Бутун дунё бўйлаб сиёсий масалаларнинг асосийларидан бири – таълим олиш нархининг ўсиши билан бир вақтда талабаларга моддий ёрдам бериш масаласи ҳам мавжудлиги. У етарли маблағга эга бўлмаганлар учун таълим олиш имкониятининг кафолати сифатида хусусий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини амалга ошириш масаласини илгари суради.

Учинчи сабаб олий таълим давлат томонидан молиялаштириши фойдасига бўлиб, адолат тамойилига мансуб: бой ва ночорлар орасида қайта тақсимлашдир. Давлат субсидиялари турли хил ижтимоий-иқтисодий қатламлардаги потенциал талабаларнинг олий ўқув юртларида ўқиш имкониятини тенглаштириш учун зарур. Акс ҳолда, аҳолининг қуйи қатламидаги талабалар олий ўқув юртида ўқишни ўзлари таъминлай олмаслиги эҳтимоли каттадир.

Шундай қилиб, олий таълимни молиялаштириш ёрдамида давлат бир неча мақсадларни кўзлайди:

1) олий таълим тизимини «лозим» бўлган талабда таъминлаш ва бунда макро самарга эришиш;

2) давлат манфаатлари, талабалар ва иш берувчилар талабларига мувофиқ олий таълим муассасалари орасида моддий ресурсларни тақсимлаш ва бунда микро самарага эришиш;

3) барча ижтимоий-иқтисодий қатламлар учун таълим олиш имкониятларини таъминлаш, яъни таълим олиш имкониятларининг тенглигига эришиш.

Юқорида айтиб ўтилган учта сабаб ва улардан келиб чиқаётган ёндашувлар кўп давлатларнинг ҳукуматлари таълим тизимини ўз назоратида ушлаб туришига олиб келди. Таълим соҳасидаги давлатнинг ролини тушунтиришга қаратилган аввалги ва бугун барпо этилаётган ёндашув низоларини кўргазмалари равишда кўриб чиқиш учун айрим давлатларнинг таълим соҳасида давлат иштироки моделини (1-жадвал) кўриб чиқайлик.

Буюк Британия тажрибаси. Сўнгги ўн йилликлар ичида Буюк Британияда таълим соҳаси давлат сиёсатида устун йўналишлардан бирига

¹ Кадочников С.М. Особенности высшего образования как экономического блага и некоторые практические следствия этих особенностей. // «Университетское управление: практика и анализ», 2001, №2. -С. 48-49.

1-жадвал. Давлатларнинг таълим соҳасини молиялаштиришдаги давлат иштирокининг модели.

Мамлакат номи	Мақсад	Қўлланилган воситалар
Буюк Британия	Олий таълим ёрдамида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашиш	1) барча олий таълим муассасалари 50-60% га давлат бюджети томонидан молиялаштирилади (норматив молиялаштириш асосида); 2) бюджетдан ташқаридаги жамғармалар 40-50%ни ташкил этади (тадқиқотлар олиб бориш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, хорижлик талабаларини ўқитиш); 3) 1998/1999 йилдан буён ўз талабалари учун тўлов ўрнатилган (бир йил таълим учун давлат харажатларидан 1/8 қисми); 4) давлат томонидан берилган фоизсиз кредит таълим тугагач сўндирилади.
АҚШ	Олий таълим ёрдамида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашиш	1) олий таълим субфедерал ҳукуматнинг ваколатидадир; 2) 57% га яқин олий таълим муассасалари хусусий; 3) федерал ҳукумат талабаларга қарз (заём) бериш ва тадқиқотчилик фондларини ташкил этиш орқали таълим соҳасида иштирок этади.
Норвегия	Олий таълим ёрдамида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашиш	1) ҳар бир олий таълим муассасасига давлат грантлари асосида парламент томонидан давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишлари олиб борилади; 2) грант ягона бюджет схемаси асосида ажратилади. Ҳар бир ОТМ учун ажратилган бюджет парламент томонидан маъқулланган давлат бюджетининг қисми сифатида қабул қилинади ва талабалар сонига қараб аниқланади; 3) давлат таълим харажатларини қоплайди, қолган харажатлар эса талабалар томонидан молиялаштирилади; 4) капитал харажатлар олий таълим муассасаси бюджетида ўз аксини топмайди. Улар давлат бюджетининг умумий эҳтиёжларга бўлган харажатлар қисмидан қопланади; 5) тадқиқот харажатлари эса фонд грантлари томонидан молиялаштирилади: хусусий, оммавий, Европа Иттифоқи, саноат фондлари ва давлат муассасалари.
Янги Зеландия	Олий таълим ёрдамида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашиш	1) молиявий автономлаштириш ва глобал молиялаштириш: давлат фақат кундузги таълимда (EFTS) устувор йўналишда ўқийдиган талабаларнинг тўловини қоплайди, уларнинг сони эса фақатгина давлат томонидан ўрнатилади; 2) тўлов тизими: бир талабанинг тўлов миқдори ОТМ томонидан аниқланади, тўловнинг 75%ини тўғридан-тўғри давлат молиялаштиради. Агар талаба EFTS бўлмаса ёки моддий муҳтожлиги бўлса, давлат кредитига ҳақли бўлади ва солиқ фоизи билан бирга сўндирилади.
Япония	Умумий ва максимал даражада ҳаммабоп олий таълимга эришиш	1) олий таълимда хусусий секторнинг устунлиги; 2) давлат сектори томонидан кам молиялаштирилиши.

айланган. Марказий ҳукуматнинг вазифалари уч йўналиш бўйича аниқ белгиланган:

1) таълим соҳасида сиёсатнинг ўрни аниқлаш ва аниқ масалаларни илгари суриш (таълим, маданият, фан ва технология вазирликлари);

2) олий таълим муассасаларини молиялаштириш (ОТМларни молиялаштириш Кенгаши);

3) олий таълим сифатини назорат қилиш¹.

Буюк Британияда идоровий ОТМ деган тушунча мавжуд эмас – барча олий таълим муассасалар ОТМларни молиялаштириш Кенгаши бюджети томонидан молиялаштирилади. Тармоқ вазирликлари тадқиқотлар олиб бориш ёки кадрлар тайёрлаш (қайта тайёрлаш, малака ошириш) каби фаолиятлар туфайли бир хил профилдаги ОТМлар билан боғлиқ бўлиши мумкин ва бу фаолият ОТМнинг бюджетдан ташқаридаги даромади ҳисобланади.

Ҳар йили таълим вазирлиги олий таълим соҳасидаги асосий масалалар, мақсадлар ва устунликлар ҳақида маъруза чоп этади. Молиялаштириш йўналишини ОТМларни молиялаштириш Кенгаши олиб боради ва бу Кенгаш таълим вазирлигидан алоҳида ажраб чиққан бўлиб, фақат ҳукуматга бўйсунди. Ҳар йили Кенгаш томонидан ОТМларнинг фаолият кўрсаткичлари ўрганиб чиқилгандан сўнг, ректорлар ва оммага маълум формула асосида барча моддалар бўйича ОТМни барча тадқиқотларни ўз ичига олган ҳолда, давлат бюджетидан молиялаштириш аниқланади.

Буюк Британия ОТМларини норматив молиялаштириш тамойиллари асосида унинг тоифаси (мутахассислиги) ҳисобга олинади, улар бир неча гуруҳларга бўлинган гуманитар, техник, тиббий ва бошқалар. Шунингдек, ОТМларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олувчи коэффициентлари мавжуд, хусусан, катта шаҳарларда каттароқ миқдордаги коммунал тўловлар ёки келаси йил учун айрим вилоятларда ҳукумат маърузасида белгилаб берилган устунликлар. Одатда, ОТМни молиялаштириш Кенгаши томонидан фақатгина профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маош фонди аниқланади (талабаларнинг сонига асосланган аниқ бир формула ёрдамида), профессор-ўқитувчиларнинг аниқ сонини эса ОТМ аниқлайди.

Буюк Британияда ОТМ бюджетининг 50-60%ни давлат томонидан ажратилган маблағ ташкил

этади. Қолган 40-50% маблағни эса ОТМ фирма ва регионал ҳукуматлар учун қилинган тадқиқотлар олиб бориш, хорижий талабаларини ўқитиш, ҳомийлар туфайли топадилар.

АҚШ тажрибаси. АҚШ ҳукуматининг таълим соҳасида иштирокининг модели фарқ қилувчи хусусиятларига эга.²

Олий таълим федерал ҳукуматнинг эмас, балки штатларнинг жавобгарлигида бўлади. Шунинг учун, айрим мустасно ҳолатлардан ташқари (масалан, ҳарбий академиялар), давлат олий таълими 50та штат томонидан тан олиниб бошқарилади. Тахминан 57% коллеж ва университетлар барча талабаларнинг 23%ини ўз ичига олиб, хусусий нотижорат шаклда бўлиб, уларнинг кўпчилиги нуфузли коллеж ва университетлар ва очиқ ОТМлар ҳисобланади. Федерал ҳукуматнинг иккита вазифаси мавжуд бўлиб, бу вазифалар ҳам хусусий ОТМларга насбатан, ҳам давлат ОТМларига нисбатан қўлланилади: талабаларни ҳукумат томонидан кафолатланган ёрдам қарзлари (займлар) кўринишидаги моддий ёрдам билан таъминлаш, шунингдек, аксарият тадқиқот фондлари, айниқса, биотиббий ва физика фанлари соҳасидаги тадқиқотларни таъминлаш.

АҚШнинг хусусий олий таълими бошқаруви бошқарманинг вазифаси ҳисобланиб, одатда «Васийлик кенгаши» деб аталади. Васийлик кенгаши юқори қатламдаги фуқаролардан, етарли маблағга эга бўлган, яъни ОТМга ҳомийлик ёки хайрия қила оладиган ёки жамиятда юқори ўринга эга бўлган фуқаролардан ташкил топган бўлади. Кўп ҳолларда васийлар шу ОТМнинг битирувчиси бўлиб, ўз хоҳиши билан қонуний торзда шу ОТМга ўз ҳиссасини қўшишни истаганлар бўлади.

Шу тариқа давлат ОТМларида ҳокимият вазирликларнинг эмас, балки бошқармалар қўлида бўлади (АҚШда «Давлат таълим департаменти» деб аталади). Бу бошқармалар губернатор томонидан танланган бўлиб, штатнинг қонунчилик органи томонидан тасдиқланган бўлади. Улар нафақат омма манфаатлари, балки аниқ бир коллеж ёки университетнинг манфаатларини ҳам изҳор этади. Давлат коллежлари ва университетларининг аксарияти нафақат биргина бошқарма, балки мультикампус тизимининг қисми ёрдамида ҳам бошқарилади: ҳар бири ўз вазифаси, акаде-

¹ Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. – М.: «Наука», 2006. – С. 10-44.

² жонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов. // «Университетское управление: практика и анализ», 2002, №2. – С. 93-104.

мик ва бошқа дастурлар, ички сиёсат ва методи-калар, шунингдек, асосий операцион директор ва шуларнинг барчасини бошқарувчи тизим директориға эға бўлган давлат ОТМларнинг гуруҳ-лари ёрдамида бошқарилади.

Сўнги 20 йиллик ичида АҚШ давлат коллеж-лари ва университетлариға келиб тушадиган турди даромад манбаларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Норвегия тажрибаси. Норвегия таълим соҳасида давлат иштироки тамойилларининг ҳам фарқлари бор¹.

Университетлар фондларининг аксарият қисми турли давлат грантлариға асосланган. Универси-тетларнинг умумий ресурслари ўсиб бораётган улуши бошқа манбалардан келиб тушади. Миллий тадқиқот кенгаши ҳар йили университетлар учун улкан грантлар тақдим этади. Оммавий ёки хусу-сий фондлар, Европа Иттифоқи, саноат, давлат ва муниципал ваколатхоналар томонидан ажратил-ган грантлар университет тадқиқот ишларининг асосий қисмини молиялаштиради.

Ҳозирги кунда парламент грантлари ҳар бир университет учун умумий грантлар сифатида ажратилади. Грантлар барча университет фао-лиятининг асосий бошқарув, кутубхона, қимматли жиҳозлар, таъмирлаш каби харажатларини қоплайди, деб тахмин қилинади. Грантлар ягона бюджет тизимидан ташкил топган. Ҳар бир таълим муассасаси учун бюджет алоҳида таъсис этилади ва парламент томонидан тасдиқланади. Норве-гияда ОТМларнинг йиллик бюджетини тузишда асосий рақам талабалар сони ҳисобланади.

Норвегияда олий таълим ҳамма учун бепул, лекин талабалар турар жой ва шу каби жавоб-гарликларни олган ижтимоий таъминот ташки-лотлари аъзолиги учун пул тўлашлари керак. Тала-баларнинг молиявий ёрдами стипендиялар ва Давлат банки томонидан тақдим этиладиган таъ-лим учун мўлжалланган ёрдам пули (займ)ға асос-ланган.

Вазирлик ОТМ учун бюджетни ташкил этаёт-ганда ўтган йилги бюджетға кўра ўз қарорини асослайди, нарх-наволардаги ва ойлик маошлар-даги ўзгаришларға мослаштирган ҳолда молия-лаштиришни оширади, талабалар учун қўшимча квоталар ёки бошқа янги харажатларни инобатға олади. Шунингдек, ҳукумат умуммиллий бюджет-

нинг етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида керакли қисқартиришларни амалға ошириши ҳам мумкин. Шу тариқа, бюджет ҳар бир ОТМ учун ҳосил бўлган тарихий бюджетлар ва ягона икки нархли тизим бўйича талабалар сонини ошириш учун маблағларни ўзида мужассам этган.

Университетларнинг янги бинолари учун ажра-тилган маблағлар масаласи ҳар йили парламент томонидан якка равишда кўриб чиқилади. Бу харажатлар университет бюджетида ҳеч қандай акс топмайди, сабаби шуки, янги биноларнинг қиймати умумий эҳтиёжлар учун ажратилган хара-жатлар орасида вазирлик томонидан қопланади. Хусусий секторда ижараға олинган қўшимча хона-лардан ташқари, барча бинолар университетнинг хусусий мулки ҳисобланади, уларни таъминлаш ва таъмирлаш харажатлари университет бюдже-тидан олинади.

Норвегияда борган сари эришилган натижа-ларға асосланган ҳолда ресурсларни тақсимлаш муҳим вазифаға эға бўлиб бормоқда. Универси-тетлар бюджет маблағларини бемалол турли хара-жатларға тақсимлаши мумкин. Моддий чегирма-ларни бартараф этиш даромад ташқи манбала-рининг ўсиши билан бир пайтда университет молиявий бошқарувини тубдан ўзгартирди. Уни-верситет бошқариш ва ички ташкиллаштириш-нинг энг муҳим элементлари қонунлаштирилган миллий стандартлар ва миллий бюджет модел-лари билан боғлиқ. Бу стандартлардаги ўзга-ришлар ташкилотларнинг хулқ-атвориға ҳам таъ-сир ўтказади.

Шу тариқа, университет давлат бюждети тизи-мидан фойдаланиш эркиға эға, лекин вазирлик мутахассисликларни танлаш, янги талабалар сони, шу билан бирға ҳар бир факультетдаги талаба-ларнинг умумий сонини аниқлаш каби асосий сиёсий ва стратегик қарорларни қабул қилиш ҳуқуқини ўзида қолдирган.

Янги Зеландия тажрибаси. Янги Зеландияда молиялаштириш моделларининг хусусиятлариға молиявий автономлаштириш ва ОТМларнинг гло-бал бюждети, шунингдек, ОТМларда таълим тўлов тизими киради². Глобал молиялаштириш ва молиявий автономия анча илгари татбиқ этилган ва EFTS (кундузги таълим талабалари)ға асослан-ган. Давлат тўғридан-тўғри эмас, балки талабалар

¹ Стром Г.А. Национальная система финансирова-ния вузов Норвегии. // «Университетское управление: практика и анализ», 2000, №4. -С. 28-31.

² Ройтер В. Финансирование образования: Между-народные модели, пути, опыт и мышление. // «Уни-верситетское управление: практика и анализ», 2000, №4. -С. 4-9.

орқали таъсир ўтказди. EFTS қиймати 3996 дан 26137гача Янги Зеландия долларини ташкил этади. Талабалар ёши, уларнинг жамиятдаги ўрни, ОТМнинг тури ва босқичига кўра EFTSнинг 8 та гуруҳи мавжуд.

Давлат бюджетидан молиялаштирилиш жараёни қуйидаги тизимга асосланиб барпо этилади:

1) давлат устунлик қилаётган йўналишлар ва босқичлар ҳақида маълумот беради;

2) айнан шу курсга қабул қилинадиган талабалар сонини таълим муассасаси маълум қилади;

3) давлат молиялаштиришга тайёр бўлган талабалар сонини айтиб ўтади (лекин таълим муассасаси ундан кўпроқ талабаларни қабул қилиши мумкин). EFTS модели олий таълим муассасаларига ўз харажатларини аниқлаш учун кўпгина ваколатларини тақдим этади. Бу эса деярли барча соҳаларда (ойлик маош, инвестиция, кўчмас мулк) самарали фойдаланиш имкониятини беради. Давлат тўғридан-тўғри аралашмайди, лекин белгиланган молиявий шартлар орқали ўз таъсирини ўтказди. Бошқарувнинг элементларидан бири талабалар томонидан талаблар ҳисобланади. Лекин талабалар танлов ва кафолатланган эркин рақобатга эга бўлишлари учун тизим олий таълим муассасалари ва улар таклиф қилаётган курслар ҳақида маълумот олишнинг юқори даражасини талаб этилади.

ОТМ хизматлари тўлови тизими бир неча йиллар амалиётда қўлланилган ва қуйидаги элементлар ҳамда механизмларни ўзида мужассам этган:

1) тўлов таълимнинг умумий қийматининг 25% миқдорида белгиланади, яъни 75%ни давлат тўлаши керак бўлган таълим қийматига боғлиқ эмас;

2) таълим муассасалари тўлов миқдорини ўзлари аниқлашлари ва қабул қилишлари керак (ўртача тўлов йилига 2800 Янги Зеландия долларини ташкил этади);

3) 1992 йилдан буён ҳар бир фуқаро таълим учун давлат кредитини олиши мумкин.

Кредитни сўндириш битирувдан кейинги даромад, ойлик маошга боғлиқ бўлади ва солиқ тизими ёрдамида амалга оширилади.

Таълим қийматининг индивидуал ва давлат улуши ўртасида белгиланган нисбат (25% : 75%) бўлиб, давлат томонидан молиялаштириш улушини камайтиришига йўл қўйилмайди. Кредитнинг капитал қиймати давлатдан эмас, талаба томонидан тўланади. Бу эса ҳатто бюджет чегир-

малари бўлган ҳолда ҳам рағбарлантириш тизими ишлашини англатади.

Япония тажрибаси. Япониянинг олий таълими бутун аҳолини қамраб олиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда¹.

Авваламбор, олий мактабларнинг ривожига бўлган давлат эътиборининг сустиги туфайли халқаро стандартлар бўйича Япония ОТМларининг муттаҳассислар тайёрлаш сифати қуйи ўринда қолмоқда. Натижада эса бошқа давлатлар билан солиштирганда, Япония ОТМлари орасида хусусий таълим муассасаларининг улуши буткул юқори бўлиб чиқди. Бу эса мутахассисларни тайёрлаш тузилиши ва сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга хусусий ОТМларнинг молиявий имкониятлари (айримларидан ташқари) ўта чекланган. 1950-1990 йиллар давомида давлат ОТМда бир талаба учун жорий харажатлар хусусий ОТМдан кўра юқорироқ эди. Шу билан бирга хусусий ОТМлардаги таълим тўлови давлат тўловидан кўра сезиларли даражада устун бўлиб келмоқда. Ўртача миқдорда бу фарқ икки баробаргача, техник ва тиббий ОТМларда эса бу фарқ 3-5 каррага етади. Давлатнинг жамиятда олий таълим тизимининг хусусий табиати устунлик қиладиган ва давлат ОТМларидан кўра хусусий техник ОТМларда тўлови сезиларли даражада ошадиган сиёсати муттаҳассисларни тайёрлашда тизимли номутаносибликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Хусусий ОТМларга маблағ етишмаслиги туфайли, улар гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича факультетларини жорий қилиш сиёсатини хуш кўрадилар².

Ҳосил бўлган ҳолатга ишбилармон дунёнинг муносабати икки хил эди. Узлуксиз иш билан таъминланганлик тизимининг мавжудлиги ва лавозимига даъват этилишида ҳамда иш ҳақи бўйича иш стажига алоҳида урғу берилганлиги сабабли, ходимларнинг аксарияти то нафақага қадар бир компанияда ишлашлари жорий қилинган. Шу туфайли бизнес ўз иш жойларида ўз ўқув дастурларига катта миқдорда сармоя киритади. Айрим ҳолатларда компаниянинг дипломли мутахассисларга бўлган муҳтожлиги биргина университетда қондирилди. Бу каби сиёсат Японияда таълим соҳасида монополия пайдо бўлишига олиб келди.

¹ Дронишинец Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии. // «Университетское управление: практика и анализ», 2002, №1. -С. 70-79.

² Рубин Ю.Б. Рынок образовательных услуг: от качества к конкурентоспособным бизнес-моделям. // «Высшее образование в России», 2011, №3.

Уларнинг ягона вазифаси – кириш имтиҳонлари жараёнида талабаларни саралаш ва 4 йилдан сўнг таълим муассасасининг дипломи билан уларни ҳаётга йўналтиришдир. Аммо ҳозирги кунда давлат сиёсати янги талабга дуч келди. Сабаби эса олий таълим тизимида бизнес томонидан қўйиладиган асосий талаб – ижодий, ноодатий фикрловчи, инновацияларга мойил бўлган талабаларни тайёрлаш бўлиб қолмоқда.

Ҳукумат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун мақбул стратегияни аниқлашда турли ёндашувларга эга. Ушбу масалага асосан доимий ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий мулоқот кўринишида ечимларни топишга ҳаракат қилинмоқда. Ушбу ҳолатлардан қуйидаги баёнотларга эътибор қаратиш жуда асосли: иқтисодиёт институтларининг фаолиятига «одамларнинг катта жамоатчилигига хос бўлган фикрлашнинг барқарор одатлари»га асосланган.

Таълим соҳасидаги давлат иштироки сабаблари ва турли давлатлар мисол тариқасида келтирил-

ган моделларининг таҳлили маълум хулосалар қилишга имкон беради:

1) олий таълимни молиялаштириш ҳам жамият, ҳам таълим тизимининг давлат муассасаси сифатида ривожланиши билан боғлиқ бўлган муқобилларга эга;

2) олий таълим тизими илғор технологияларни яратишда давлат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Олий таълим тизимини давлат томонидан молиялаштириш ҳар томонлама (шахсий, ижтимоий ва иқтисодий) самарадор ҳисобланади;

3) бир қатор давлатлар мисолида шуни кўриш мумкин: таълимга бўлаётган талабнинг ўсиб бориши унинг «энг талабгир» истеъмолчилик товари бўлиб бораётганини кўрсатади¹;

4) олий таълим кўпгина муассасаларининг молиявий аҳволи ёмонлашиши билан юзма-юз келмоқда. Айнан улар давлат томонидан молиялаштириладиган маблағга боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кадочников С.М. Особенности высшего образования как экономического блага и некоторые практические следствия этих особенностей. // «Университетское управление: практика и анализ», 2001, №2.
2. Курбатова М.В. Проблемы становления системы частного инвестирования в высшее профессиональное образование. // «Университетское управление: практика и анализ», 2003, №3.
3. Морган Э.В. Диверсификация источников финансирования в системе высшего образования: сравнительный обзор. // «Университетское управление: практика и анализ», 2004, №2.
4. Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. – М.: «Наука», 2006.
5. Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов. // «Университетское управление: практика и анализ», 2002, №2.
6. Стром Г.А. Национальная система финансирования вузов Норвегии. // «Университетское управление: практика и анализ», 2000, №4.
7. Ройтер В. Финансирование образования: международные модели, пути, опыт и мышление. // «Университетское управление: практика и анализ», 2000, №4.
8. Дронишинец Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии. // «Университетское управление: практика и анализ», 2002, №1.
9. Рубин Ю.Б. Рынок образовательных услуг: от качества к конкурентноспособным бизнес-моделям. // «Высшее образование в России», 2011, №3.

¹ Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов. // «Университетское управление: практика и анализ», 2002, №2. – С. 93-104.